

Рамазоннинг охири кечасида рўзадорлар мағфират қилинади



17:00 / 30.04.2022 2913

Абу Ҳурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

رَفَعِي لِقَائِهِ نَأْمَلَسْ وَهِيَ لَعْلَلِ صَبَّيْ نَأْنَعُ لَلِضَرَّةِ رِيَّ بَأْنَعِ
ال : لِقَائِهِ رَدُّ لَيْلِي لَلِوَسْرِي : لِقَائِهِ ، نَأْمَلَسْ رَدُّ لَيْلِي لَلِوَسْرِي
دَمَحْ أَوْر . « لَمَعْلَلِ نَكَلَو ،

Набий соллаллоху алайҳи васаллам: «Рамазоннинг охири кечасида ўзининг умматини мағфират қилинади», дедилар.

«Эй, Аллоҳнинг Расули! У (охири кеча) Қадр кечасими?», дейилди.

У зот: «Йўқ. Лекин амал қилувчи ўз амалини бажариб бўлса, ажрини унга тўлиқ қилинади», дедилар.

Имом Аҳмад ривоят қилган.

Бу ҳадиси шарифда рўзадор киши бир ой мобайнида қилган ибодатлари сабабли эришган ажр ва савоблари унга Рамазонинг охириги кечасида тўлиқ қилиб берилиши ҳақида айтилмоқда.

Аллоҳ таоло барчаларимизни умид қилганимиз, Ўзининг улкан ажр-мукофотларига насибадор айласин!